

МОЛИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ СУҒУРТА БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Икрамова Каромат Мирсаидовна

Мустақил изланувчи

Миллий молия бозорига янги технологияларнинг кириб келиши, соҳани рақамлаштирилиши унинг барча сегментларини қамраб олди, жумладан суғурта соҳасини ҳам. Ривожланаётган интернет ва рақамлаштириш муҳити нафақат суғурта хизматларининг ташқи қиёфасини ўзгартиради, шунингдек уни ривожлантирди, интернет-сотиш ёки онлайн савдо сегментини кенгайтди, бу эса суғурта маҳсулотларининг нархи пасайишига ва электрон тижорат савдонинг ўсишига олиб келди. Ҳозирги кунда замонавий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларидан бири информацион технологияларидан кенг фойдаланишдир. Бундай технологиялар суғурта бозорида ҳам у ёки бу даражада қўлланила бошлади. Улардан фойдаланиш суғурта фаолиятидаги кўплаб бизнес-жараёнларнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширишга олиб келмоқда. Суғурта соҳасида замонавий технологиялардан фойдаланиш суғурта шартномаларини тузиш жараёнларини тезлаштириш, суғурта агентлари ва савдо бўлимлари билан алоқаларни соддалаштириш имконини бермоқда. Замонавий технологиялардан суғурта фаолиятида фойдаланиш суғурта операцияларининг ҳажми ва кўламини ошириши, суғурта хизматлари сифатини яхшилаши, иш юритиш харажатларни камайтириши ва пироварда рискларни самарали бошқариш усули сифатида фаолият самарадорлигини ошириш имконини беради [1-4]. Замонавий дунёда барча субъектлар эртами ёки кеч ўз таклифларини рақамлаштириш тизимига ўтказадилар. Шу сабабли, FinTech ва Insurtech каби атамалар пайдо бўлди, бу атамалар молия-кредит ва суғурта соҳаларида молиявий технологиялардан фойдаланишни тавсифлайди.

Айни пайтда суғурта фаолиятида қўлланиладиган қуйидаги замонавий технологияларни келтириб ўтишимиз мумкин:

1. “Сунъий интеллект” – бу одатда инсонга ўхшаб ўйлайдиган ва ўрганадиган функцияларни намоён этадиган дастурий таъминотни англатади. Мижозлар билан матндан фойдаланган ҳолда мулоқат қиладиган чат-ботларни “Insurtech”нинг сунъий интеллектдан фойдаланишига мисол келтиришимиз мумкин бўлади.

2. Сунъий интеллект суғурта соҳасида тариф ставкани шакллантиришда кенг суғурта қўлланиладиган технологиялардан яна бири бу интернет нарса (*internet of things*, IoT, телематика, ақли суғурта) ҳисобланади. Бу атама интернетга уланган умумий жиҳозларга (телевизор, мухлаткич ва бошқалар) тегишли. Интернет нарсаларига мисол сифатида телематикани келтириш мумкин, бу тармоқ орқали маълумотларни йиғиш, қабул қилиш, сақлаш ва узатиш учун транспорт воситаларидаги электрон қурилмаларидан фойдаланишни англатади.

3. “Insurtech” яна бири тури бу blockchain технологиялари. Суғурта соҳаси учун турли ечимларни яратишда блокчейн технологияларидан фойдаланиш уни мижозлар учун янада ишончли ва шаффоф қилади. Блокчейн суғурта соҳасида мутлақо янги имкониятлар очиши ва ушбу соҳани сезиларли даражада модернизация қилиш имконини беради.

4. Киберсуғурта, бу ҳам “Insurtech” бири тури ҳисобланади. Бу бизнес ва жисмоний шахсларнинг интернетдан фойдаланиш, маълумотларни электрон шаклда сайлаш ва қайта ишлаш, информацион тизимлар инфратузилмаларининг ишлаши билан боғлиқ бўлган рисклардан ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган суғурта маҳсулотидир.

5. “Big Data” технологиялари. Анъанавий суғурта бизнесини рақамли суғуртага айлантирувчи муҳим воситаларидан бири бу “Big Data” технологияларидир. Ушбу технология суғурта компанияларига ўз хизматларини сифат ва сон жиҳатидан янги босқичга кўтармоқда. “Big Data” технологияси суғурта компанияларига рақобатдош устунликларни яратишга имкон беради. Катта

маълумотларни таҳлил қилиш келажакдаги потенциал мижозларнинг эҳтиёжларини аниқлашга, мижозларнинг мақсадли гуруҳларини шакллантиришга, шунингдек уларнинг хатти-ҳаракатларини моделлаштиришга имкон беради, қўшимча равишда фирибгарлик схемаларини олдиндан билиб олиш, шунингдек, авто суғуртада хизмат кўрсатиш сифати жиҳатдан ошириш ва индивидуал тиббий суғурта дастурларини яратиш имконини беради.

Хулоса ўрнида қўйидагиларни таъкидлаш ўринли, суғурта бозори ва унда қўлланилаётган молиявий технологияларнинг соҳа жараёнларига таъсири ўрганиш, уларни жорий этишни тезлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади, ушбу жарарёнларни тўғри ташкил этишда қўйида йўналишларда фаолиятларни олиб бориш керак:

1) Суғурта компанияларида қўлланиладиган замонавий технологиялар бу нафақат суғурта компанияси бизнес жараёнларини соддалаштириш, балки мижозларга йўналтирилган суғурта бизнесни ривожлантириш, суғурта соҳасини рақамлаштириш, инновацион маҳсулотларни жорий этиш, суғурта маҳсулотларини сотишда интернет технологиялардан, янги сотиш каналларидан ва суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва қоплаш бўйича янги усуллардан фойдаланишини назарда тутди.

Суғуртани инновацион технологиялар орқали ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи асосий омиллар аниқланганлигини ҳисобга олган ҳолда бу йўналишларда ишларни жадаллаштириш керак бўлади, яъни объектив ташкилий ва техник (интернеттезлиги, унга кириш ва сифати, мобил алоқа, мижозларнинг смартфонлардан фойдаланиш имконияти, рақамли технологиялардан фойдаланиш учун планшет ва мобил мосламаларнинг мавжудлиги), субъектив (суғурта компанияларининг чекланган инновацион таклифлари, суғурта компаниясига бўлган ишончнинг паст даражаси, аҳолининг молиявий саводхонлиги ва молиявий қарорларни қабул қилишдаги малакалари, шакланмаган суғурта маданияти, суғурталанувчиларнинг анъанавий маҳсулотлар ва сотиш каналларига содиқлиги).

2) Суғурта бозоирининг янада ривожланиши кўпроқ даражада суғурта маҳсулотларини сотиб олиш ва суғурта даъволарини ҳал қилиш бўйича шахсий таклифларни тақдим этишга қаратилган рақамли хизматларни фаоллаштириш. Шу жумладан блокчейн технологиялари, Big Data, теле технологиялардан фойдаланишга боғлиқдир.

Фойдаланган адабиётлар руйхати

1. Абдурахмонов , И. (2022). Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболари. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(1), 95–99. Retrieved from <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/82>.
2. Abduraxmonov, I. (2022). Sug‘urta sohalarining shakllanish tendensiyalari. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(3), 60-67.
3. Абдурахмонов, И. Х. (2019). Теория и практика страхования. *Учебник/– Т.:«Иқтисод молия, 353-354.*
4. Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболари. “Moliya va bank ishi” илмий журнал. №1, 95-99 б.